

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА -ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ИНОЯТОВ ДИЛОВАР ТОЛИБОВИЧ**

**ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР БИНОЛАРНИНГ ЦОКОЛЬ ДЕВОРЛАРИ  
ОРҚАЛИ ЎТАДИГАН НАМЛИКДАН САҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.01 – Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати  
мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по техническим  
наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Иноятов Диловар Толибович**

Энергия самарадор биноларининг цоколь деворлари орқали ўтадиган намликдан сақлаш  
усулларини такомиллаштириш.....5

**Иноятов Диловар Толибович**

Совершенствование методов защиты от влаги, проходящей через цокольную часть стен  
энергоэффективных зданий .....23

**Inoyatov Dilovar Tolibovich**

Improvement of methods of protection from moisture passing through the basement part of the  
walls of energy-efficient building.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ИНОЯТОВ ДИЛОВАР ТОЛИБОВИЧ**

**ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР БИНОЛАРНИНГ ЦОКОЛЬ ДЕВОРЛАРИ  
ОРҚАЛИ ЎТАДИГАН НАМЛИКДАН САҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.01 – Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T1869 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.taqi.uz](http://www.taqi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Тулаков Элмурад Саламович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Файзиев Хомитхон**  
техника фанлари доктори, профессор

**Пирматов Раҳматулло Ҳамидуллоевич**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **“O`ZOG`IRSANOATLOYINA” AJ**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 14 » июль соат 10<sup>00</sup> да Архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz), [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 82 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халка йўли кўчаси, 7-уй. Тел.:(+99871) 235-43-30; факс: (+99871)234-15-11,e-mail: [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).факс: (99871) 241-80-00, e-mail: [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил « 28 » 06 куни тарқатилди.  
(2022 йил « 25 » 03 даги 15 -рақамли реестр баённомаси).



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда биноларнинг эксплуатацион ишончилигини ошириш, ер ости конструкцияларининг умрбоқийлигини таъминлаш ҳамда уларнинг техник ҳолатини баҳолаш, зарур ҳолларда уларни кучайтириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда қурилиш иншоотларининг тахминан 75% агрессив муҳитнинг зарарли таъсирига учрамоқда. Ер ости қурилишида эса бу рақам 80-90% гача етиши мумкин. Масалан, АҚШда 90-йилларда биноларни таъмирлаш ва тиклаш учун 20 миллиард доллардан кўпроқ маблағ сарфланган ва бу харажатлар кейинчалик ҳар йили ўсиб борган. Бу борада, жумладан бинолар пойдеворларини гидроизоляция қилишнинг оптимал ечимларини ишлаб чиқиш, конструкцияларни ер ости агрессив таъсирларидан ишончли ҳимоялаш ва шу орқали биноларнинг, конструкцияларнинг умрбоқийлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда бинолар конструкцияларини ер ости сувларининг агрессив таъсирдан ҳимоя қилишда қўлланилган анъанавий ва замонавий материалларнинг нам ўтказмаслик хусусиятларини тадқиқ қилиш асосида самарали замонавий материалларни аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, биноларнинг деворларини пойдевор орқали кўтариладиган капилляр намликдан сақлашда бажариладиган гидроизоляция ишларининг сифатини таъминлаш ҳамда биноларнинг эксплуатацион ишончилигини ошириш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, биноларнинг пойдевор ва деворларини ер ости орқали кўтариладиган агрессив капилляр намлик таъсидан ҳимоялаш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизнинг қурилиш соҳасида гидроизоляция ишларини амалга оширишда иқтисодий тежамкор ва ишончли усулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “...қурилиш фаолиятида қурилиш нуқсонлари ёки муаммоларининг олдини олиш, қурилиш ва лойиҳалаштириш ишлари сифатини ошириш”<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ва биноларнинг умрбоқийлигини таъминлашда лойиҳалашнинг самарали ечимларини, ер ости агрессив сувларининг гидроизоляция материалига таъсирини, гидроизоляция материалларини ўрнатишда замонавий технологиялар қўллашни ҳамда қурилиш жараёнида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сонли “Ўзбекистон

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Республикаси қурилиш соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш бўйича кўшимча чоралар тўғрисида”ги Фармонлари, 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-139-сон “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини кўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сонли “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда ғиштли биноларни ер остидан кўтариладиган капилляр намлик таъсиридан ҳимоялаш содда усулда амалга оширилмоқда. Бунда, сейсмик ҳудудларда қуриладиган ғиштли бинолар учун пойдевор билан ғишт девор орасида қалинлиги 30 мм бўлган цемент-қумли қоришма ёрдамида гидроизоляция ҳосил қилиниши тавсия этилган. Биноларнинг ташқи деворларини пойдевор орқали ўтадиган намликдан сақлаш усулларини такомиллаштириш ва ўрганиш бўйича дунё ва юртимизнинг олимлари: Ning Lu, William J.Likos (АҚШ), Noriyuki Yasufuku (Япония), Qiang Liu, Jiali Miao, Jiaguo Ren, Chao Chjan (Хитой), Ravi Kumar Malik, Sivanarpan Kumar (Ҳиндистон), Агаджанов В.И., Бовин Г.П., Глибов В.Д., Дубинин И.С., Искрин В.С., Кисина А.М., Нечаев Г.А., Попченко С.Н., Рыбьев И.А., Абдуллаев Т.Ш., Сирожиддинов З.С., Мадатов А. ва бошқаларнинг тадқиқотларини таъкидлаш лозим.

Кенг кўламли бажарилган тадқиқотларга қарамасдан, бугунги кунда, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ер остида эксплуатация қилинаётган бетон ва темирбетон конструкцияларни ер ости агрессив сувларнинг ҳалокатли таъсиридан ишончли ҳимоялаш етарлича ҳал қилинмаган. Юқорида таъкидланган тадқиқотларда, грунт намлигининг пойдевор танаси орқали кўтарилиши мураккаб физик-кимёвий жараён эканлиги ва у қатор омилларга боғлиқлиги тўла-тўқис ҳисобга олинмаган. Деворларни пойдевор танаси орқали кўтариладиган намликдан сақлаш усуллари, лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда сифат талабларига жавоб бермаслиги мутахассислар томонидан қайд этилиб, шунингдек, деворларни пойдевор танаси орқали кўтариладиган намликдан сақлаш усулларини такомиллаштириш ва ўрганиш зарурлиги, соҳа олимлари томонидан ҳам эътироф этилган. Муаммонинг бу ва бошқа жиҳатлари долзарб бўлиб, батафсил ўрганишни талаб қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон шароитини ҳисобга олган ҳолда биноларнинг эксплуатацион ишончилигини таъминлаш” (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** пишиқ ғишдан барпо қилинадиган биноларнинг пойдевор ва деворларини ер остидан кўтариладиган намликдан ҳимоя қилиш усулларини такомиллаштириш ҳисобига, биноларнинг умрбоқийлигини таъминлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

капилляр намликнинг пойдевор ва деворларда кўтарилишини назарий тадқиқ этиш;

ер остидан кўтариладиган намликдан ҳимоя қилинмаган бинолар деворларининг ҳолатини ўрганиш;

деворлари ер остидан кўтариладиган намликдан анъанавий усулда ҳимоя қилинган бинолар ҳолатини тадқиқ этиш;

пойдевор ва девор орасига ҳар хил материаллардан ҳосил қилинган гидроизоляция қатламларнинг, деворга намликнинг ўтишига қаршилигини экспериментал тадқиқ этиш.

экспериментал тадқиқотлар натижалари асосида бинолар деворларини ер ости сувларининг кўтарилишидан ҳимоя қилишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида пишиқ ғишдан барпо қилинган кам ва ўрта қаватли биноларнинг пойдевор ва деворлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни пишиқ ғишдан барпо қилинган кам ва ўрта қаватли биноларнинг пойдевор ва деворларини ер остидан кўтариладиган намликдан ҳимоя қилишнинг экспериментал ва назарий асослари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида биноларнинг пойдевор ва деворларини ер остидан кўтариладиган намликдан ҳимоя қилишнинг экспериментал тадқиқотларини ўтказиш (пойдевор товони ҳамда пойдевор ва девор орасига ҳар хил материаллардан ҳосил қилинган гидроизоляция қатламларнинг, деворга намликнинг ўтишига қаршилигини экспериментал тадқиқ этиш), уларни таққослаш ва математик статистика усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пойдевор конструкциясининг ғоваклик тузилиши ва намлик ўтказувчанлик хусусиятларини ифодаловчи назариясига асосан, пойдеворда намликнинг капилляр кўтарилиш баландлигини суyoқликнинг таъсир вақтига боғлиқ ҳолда ҳисоблашнинг муҳандислик ифодаси, бетондаги ғоваклик муҳитига боғликлиги назарий жиҳатдан исботланган;

пойдевор танасини товони билан биргаликда гидроизоляция қилиш орқали, пойдевор танаси агрессив намликдан ҳимояланиши ва унинг хизмат муддати бинонинг хизмат муддатигача ошиши асосланган;

пойдевор-девор орасидаги горизонтал гидроизоляция қатлам қоришмасига гидрофоб қўшимча қўшиш асосида, горизонтал гидроизоляция қатламнинг таркиби такомиллаштирилган;

пойдеворнинг капитал таъмирлашгача бўлган минимал эксплуатация қилиш муддати (К) ҳамда грунтдаги агрессив (ишқор, туз, сульфат) намлик таъсиридан рулонли гидроизоляция материалининг чўзилиши ( $\Delta$ )га ва рухсат

этилган меъёрий чўзилиш миқдорига боғлиқ ҳолда, гидроизоляция материалнинг узокқа чидамлилигини ҳисоблашнинг аналитик усули ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

пойдевор танасини ер ости сувларидан тўлиқ гидроизоляция қилиш бино конструкцияларида (пойдеворлар ва деворда) намлик таъсиридан нуқсонларнинг пайдо бўлишнинг олдини олишга олиб келади ва унинг хизмат муддатини меъёрий даражагача етиши исботланган.

биноларнинг пойдевор ва девор орасида ҳосил қилинадиган 2-3 см қалинликдаги цемент-қум қоришма таркибига MasterPel-793 маркали гидрофоб қўшимчаси қўшилганда унинг хизмат муддати 121,8 йилгача ошиши прогноз қилинган.

иссиқлик-техникаси бўйича бажарилган ҳисоблар асосида, бино пойдевори ва деворларини ер ости агрессив сувларидан химоялаш девор орқали йўқотиладиган иссиқлик миқдори 1-3 % тежалишига олиб келиши аниқланган.

бартараф этилган камчиликлар ҳисобига гидроизоляция қатламни ва пойдеворни қайта тиклашга сарфланадиган маблағлар тежалган ҳамда хоналардаги шинамлилик муҳитига эришилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** экспериментал тадқиқотлар комплексининг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг юқори даражада мутаносиблиги, олинган натижаларни ишлаб чиқишда математик статистика усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда олинган натижаларни амалиётга жорий қилишда ижобий натижага эришилганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биноларнинг пойдеворлари орқали ўтадиган намликдан сақлаш бўйича олинган илмий натижаларни бошқа конструкциялардан тикланадиган биноларни намлик таъсирига тадқиқ этишда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини ер остидан кўтариладиган намликнинг пишиқ ғиштдан барпо қилинаётган кам ва ўрта қаватли биноларнинг пойдевор-деворлари техник ҳолатига таъсирини камайтириш ва уларнинг умрбоқийлигини таъминлаш ташкил қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Энергия самарадор биноларнинг цоколь деворлари орқали ўтадиган намликдан сақлаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

бино пойдевори билан деворлари орасида цемент-қум қоришма таркибига MasterPel-793 маркали гидрофоб қўшимчаси қўшиш йўли билан ҳосил қилинган гидроизоляция усули “Меъморқурилишлойиха” МЧЖ, “ParvizProektServis” МЧЖ ҳамда “Qishloqqurilishloyiha” МЧЖларда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 6 декабрдаги №09-06/13833-сонли маълумотномаси). Натижада, кам қаватли турар-жойларда (гидроизоляция қатламни қайта тиклаш ва таъмирлаш



ҳисобига) бино умумий нархининг 12 % миқдорида иқтисодий самарадорликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация мавзуси бўйича тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та, шундан 1 та монография, 16 та илмий мақола ва тезислар, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, уларнинг 3 таси халқаро базалар рўйхатидаги хорижий журналларда нашр этилган. Республика ва халқаро илмий конференция материалларида эса жами 8 та тезис, улардан 2 таси халқаро конференция тўпламида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 115 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Биноларни ер ости сувлари таъсиридан ҳимоя қилиш усуллари”** деб номланган биринчи бобида бугунги кунда барпо қилинаётган ва фойдаланилаётган биноларнинг пойдеворлари орқали ўтадиган намликдан деворларни сақлашнинг ҳозирги усуллари таҳлил қилинган. Бинолар қурилиш материалларининг бузилишига олиб келадиган барча кимёвий, механик ва органик жараёнларнинг асосий манбаи сув ҳисобланади. Чунки, сув ноорганик моддаларга нисбатан эритувчанлик хусусиятига эга эканлиги ўрганилди. У материалларнинг ғовақларига кириб, кристалл заррачаларни эритиши ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган. Натижада, уларнинг орасидаги ўзаро боғланиш бузилади ёки заифлашади ва материалларнинг мустаҳкамлиги пасаяди. Бу ҳодисаларнинг ривожланиши грунт структурасига ва сизиб ўтаётган сувнинг физик-кимёвий хусусиятларига, оқим тезлигига, грунтга тушаётган юкнинг миқдорига, шунингдек, ер остидаги конструкциянинг хусусиятларига боғлиқлиги ўтказилган кенг кўламли изланишлар давомида илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Шунингдек, тадқиқот ишида фойдаланилган объектлар ва қўлланилган методлар ҳақида маълумотлар тақдим қилинган. Сўнгги йилларда бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар

натижалари ва уларни эксплуатация қилиш даврида тўплаган архив маълумотлари шуни кўрсатадики, аксарият аввал қурилган биноларнинг техник ҳолати ёмонлашган, уларнинг цоколь қисмларида бузилишлар юзага келганлиги аниқланган. Пойдевор конструкцияси товон (таг) қисмининг бевосита грунтга тегиб туриши, грунт намлигининг пойдевор конструкциясига ҳеч қандай тўсиқсиз кириб бориб, унинг намланишига сабаб бўлиши кузатилган. Пойдевор-девор туташмасида қўлланилган горизонтал гидроизоляциялар йиллар мобайнида намланиб-музлаб ва қуриш циклларида давомий қайтарилиши натижасида бузилган. Қурилиш конструкциялари ва материалларини ер ости сувлари таъсиридан химояловчи таркибларни ишлаб чиқиш борасида хорижий тажрибалар таҳлили тўғрисида атрофлича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пойдевор конструкциясида намлик жараёнларини моделлаштириш”** деб номланган иккинчи бобида бетонни ғовакли материал сифатида моделини ва ғоваклик тузилишини ўрганиш учун намлик характеристикаларини танлаш, грунтда ва бетонда сувнинг капилляр кўтарилиш баландлигини ҳисоблаш, агрессив муҳитга чидамли бўлган рулонли “Техноэласт” маркали гидроизоляция материалининг узоққа чидамлилигини аниқлаш бўйича таклиф этилган усуллари баён этилган.

Капилляр-ғовак қурилиш материали сифатида бетон икки хил усулда моделлаштирилиши мумкин: ғоваклар жамланмаси ёки ғовак тана скелетининг тузилиши шаклида. Биринчи ҳолда мураккаб ғоваклар жамланмаси маълум шакл ва ўлчамдаги ғоваклар тўплами билан моделлаштирилади<sup>2</sup>, иккинчи ҳолда, модел энг оддий шаклдаги қаттиқ заррачаларнинг бир-бирига қалаштириб териш кўринишида<sup>3</sup> ҳаво билан биргаликда ғовак жисмни ҳосил қилади.

Сорбция ва десорбция вақтида моноқатламнинг тўлиши турли босимлар нисбатида содир бўлади ва катталиги билан фарқ қилади. Бу ҳодиса сорбция ва десорбция вақтида моноқатлам ҳосил бўлиш жараёнларининг фарқи билан изоҳланади. Капилляр буғланишнинг бошланиши – ҳам намлик миқдори билан, ҳам босимлар нисбатида фарқ қилади. Агар моноқатлам ҳосил бўлиши сорбция босимлар нисбати, десорбция босимлар нисбатидан кичик бўлганда содир бўлса, капилляр буғланишнинг бошланиши сорбция босимлар нисбати, десорбция босимлар нисбатидан катта бўлганда содир бўлади. Бу сорбция гистерезиси сабаб, сорбция ва десорция вақтида сирт қатламларни тўлишидаги фарқ билан изоҳланиши аниқланди.

Десорбция изотермаси, сорбция изотермасидан фойдалангандан кўра, капилляр конденсатланиш назариясини тўлиқроқ ( $(p / p_s)_d$  гача) қўллашга имкон беради. Шу билан бирга, сорбция вақтида адсорбцион сирт қатламининг ҳосил бўлиши фақат сув билан сиртнинг кенгаювчанлигини

<sup>2</sup>Грег С., Синг К. Адсорбция, удельная поверхность, пористость. М.: Мир, 1970.407 с.

<sup>3</sup>Воробьев В.А., Киврин В.К., Корякин В.П. Применение физико-математических методов исследования свойств бетона. М.: Высшая школа, 1977. 271 с.

тавсифловчи бирламчи адсорбцион марказлар<sup>4</sup> атрофида содир бўлса, капилляр буғланиш пайтида тўла сув тўйинишидан бутун ғовак сирти адсорбат билан қопланади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ғоваклик тузилишини ўрганиш, қурилиш материалларининг намлик ўтказувчанлик хусусиятларини моделлаштириш учун энг тўлиқ характеристика, материалнинг тўлиқ сувга тўйинишидан олинган капилляр буғланиш изотермаси ҳисобланади.

Грунтдаги капилляр намлик бир-бири билан боғланмаган ҳолатда (грунт заррачаларнинг бўғимларида), муаллақ (осилган) ҳолатда (менискнинг таранглик кучи билан ушлаб турилган, сув сатҳига боғлиқ бўлмаган ҳолда) ва тиралган ҳолатда (бевосита грунт сув сатҳидан юқорида) бўлиши мумкин.

$h_{max}$  баландликка кўтарилган сув устунининг оғирлиги менискнинг кўтариш кучи  $P_L$  билан мувозанатлашгунча бу куч сувнинг кўтарилишига сабаб бўлиши аниқланди:

$$\frac{2\sigma}{R} = \rho \cdot g \cdot h \text{ ва } h = \frac{2\sigma}{\rho \cdot g \cdot r} \quad (1.1)$$

бунда  $\Delta = \rho \cdot g$  сувнинг солиштирма оғирлиги, бундан

$$h_{max} = \frac{2 \cdot \sigma}{r \cdot \Delta}. \quad (1.2)$$

Капилляр ҳодисаларнинг кўриб чиқилган қонуниятлари чангли ва гилли грунтларга хосдир. Майда қумларда максимал капилляр кўтарилишнинг баландлиги амалда 2...3 м га етади. Юқоридаги ифодага мувофиқ капиллярларнинг диаметри 0,005 мм дан кам бўлса, капилляр кўтарилишнинг баландлиги юз баробар катта бўлиши мумкинлиги илмий исботланди.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида, проф. А.В.Думанский<sup>5</sup> тадқиқотларида кўрсатилгандек,  $10^{-7}$  см ёки ундан кам ўлчамли капилляр менискни шакллантириш мумкин эмаслиги илмий исботланди. Ғовакликларда мавжуд барча сув жуда катта кучлар – грунт зарраларининг молекуляр тортишиш кучлари таъсирида бўлади. Шунинг учун капилляр ходисалар чангсимон ва қумлоқ тупроқларда гилларга қараганда кўпроқ учрайди.

Суюқликнинг капилляр бўйлаб кўтарилиш баландлигини икки компонентли система учун бетондаги ғовак радиуси  $r$  га боғлиқ бўлган энг содда назарий модел орқали, Журен ифодаси билан қуйидагича аниқлаш мумкин (менискнинг кўтариш кучи Лаплас ифодасидан олинган):

$$H_k = \frac{2\sigma}{\rho \cdot g \cdot r} \cos \theta \quad (1.3)$$

бунда:  $r$ –капилляр радиуси;

$\sigma$  - суюқликнинг сирт таранглиги (сув учун  $t = 20^\circ C$ , бўлганда  $\sigma = 72,8 \text{ дин / см}$  га тенг);

<sup>4</sup>Квливидзе В.И. Изучение адсорбированной воды методом ядерного магнитного резонанса: В кн. «Связанная вода в дисперсных системах». М.: Изд-во Моск. ун-та, 1970. Вып. № 1. С. 41—54.

<sup>5</sup>Г.К. Клейн, П.П. Смиренин. Основания и фундаменты. Государственное издательство «Высшая школа» - М., 1961. Стр.145

$\theta$  - намлашнинг чекка бурчаги;  
 $g$  - эркин тушиш тезланиши;  
 $\rho$  - сувнинг зичлиги.

Капилляр материалининг барча зарралари тўлиқ намланганда, яъни ( $\theta = 0$ ) бўлганда,  $\sigma$  ва  $g$  ларнинг сонли қийматларини (1.3)га қўйиб қуйидаги ифодани оламиз:

$$H_k = 0,15 / r, \quad (1.4)$$

Бундан келиб чиқадики, суюқликнинг капиллярлар бўйлаб кўтарилиш баландлиги капилляр радиусига тескари пропорционалдир. Шу билан бирга суюқликнинг капилляр ғовак материалда кўтарилиш баландлигига суюқликнинг таъсир вақтини ҳам эътиборга олиш зарур. Бунда суюқлик кўтарилиш баландлигининг вақтга боғлиқлиги қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$H_t = \sqrt{r \cdot m \cdot \frac{\cos \theta}{2} \cdot \mu \cdot \sqrt{t}}, \quad (1.5)$$

бунда  $H_t$  - бетонда сувнинг капилляр кўтарилиш баландлиги;

$\mu$  - суюқликнинг динамик қовушқоқлиги;

$m$  - бетондаги ғоваклик муҳити.

Лаплас назариясига кўра<sup>6</sup> суюқликнинг сирт плёнкаси кучланиш ҳолатида бўлади. Суюқликнинг қолган қисми капилляр деворлари билан боғланмаган. Электр кучларидан ташқари капиллярдаги сув молекулаларига гравитацион кучлар ҳам таъсир этади. Электр ва тортишиш кучлари орасидаги статик мувозанат шартидан капиллярда сувнинг кўтарилиш баландлиги  $h_0$  га тенглиги келиб чиқади:

$$h_0 = \frac{q_C \cdot q_B}{\rho \cdot \varepsilon \cdot r^2} \quad (1.6)$$

бунда  $h_0$  - капилляр ёриқдаги суюқлик устунининг баландлиги;

$q_C$  - ёриқ деворининг 1 см<sup>2</sup> га тенг юзасидан ўтадиган умумий электр заряди;

$q_B$  - 1 см<sup>2</sup> ўрта текисликда жойлашган сув молекуласининг умумий электр заряди;

$\varepsilon$  - диэлектрик доимийси;

$r^2$  - ёриқ текисликлари орасидаги масофа;

$\rho$  - сувнинг зичлиги.

Бетонда капилляр ёриқ эмас, балки ингичка найча каби кўринади. Натижада деворларга тортилиш текис ёриқдагига нисбатан катта бўлади.

$$h_{mp} = \frac{2 q_C \cdot q_B}{\rho \cdot \varepsilon \cdot r^2} \quad (1.7)$$

Диссертациянинг III-боб, 3.5-параграфиди, тадқиқот давомида пойдевор-девор тутушмасида қўлланилган турли хил горизонтал гидроизоляция

<sup>6</sup>Бернацкий А.Ф., Целебровский Ю.В., Чунчин В.А. Электрические свойства бетона / под ред. доктора техн. наук, проф. Ю.Н. Верещагина. – М.: Энергия, 1980. – 280 с.

қатламлардан намликнинг ўтиш вақти, юқорида келтирилган ифодалар орқали аниқланган.

“Техноэласт” гидроизоляция материалининг шартли узоққа чидамлилиги ҳисобида, асосий эксплуатацион кўрсаткичи материалнинг деформацияланувчанлиги қабул қилинган. Чунки, материалнинг ёрилишга қаршилиги ва сув ўтказмаслиги унга боғлиқ. Гидроизоляция материалининг нисбий чўзилиши (узайиши) керакли меърдан 25% ва 30% га камайганда, гидроизоляциянинг узоққа чидамлилиги таклиф этилган ифодага асосан қуйидагиларга тенг бўлади:

$$D = K + K(25 - \Delta) / 25 = K \left( 1 + \frac{25 - \Delta}{25} \right) \quad (1.8)$$

бунда  $D$ - материалнинг узоққа чидамлилиги;

$K$ -пойдеворнинг капитал таъмирлашгача бўлган минимал эксплуатация муддати ( $K=60$  йил);


25 - материалнинг меъерий рухсат этилган чўзилиши, %;

$\Delta$  - материалнинг меъерга нисбатан чўзилиши, %.

$$D = K + K(25 - \Delta) / 25 = 60 + 60 \times (25 - 25) : 25 = 60 \text{ йил};$$

$$D = K + K(25 - \Delta) / 25 = 60 + 60 \times (25 - 30) : 25 = 48 \approx 50 \text{ йил}.$$

«ЦНИИПромзданий» АЖнинг ушбу материалдаги синов натижалари 1-расмда кўрсатилган бўлиб, бунда 120 кундан кейин гидроизоляция материалининг деформацияланувчанлиги, ишқор  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  таъсир этганда 5,6% дан 15,2% гача, туз ( $\text{NaCl}$ ) таъсир этганда 10,9% га ва сульфат ион ( $\text{SO}_4$ ) таъсир этганда 5,8% га камайган.



1-расм. Кимёвий реагентлар таъсирида рулонли Техноэласт маркали эритиладиган материалнинг деформацияланувчанлигининг ўзгариши

Ер ости гидроизоляциясида ишлатилган рулонли “Техноэласт” маркали гидроизоляция материалининг шартли узоққа чидамлилиги қуйидагига тенг:

$$D_{\text{Ca}(\text{OH})_2} = 60 + 60 \times (25 - 15,2) : 25 = 84 \text{ йил};$$

$$D_{\text{NaCl}} = 60 + 60 \times (25 - 10,9) : 25 = 94 \text{ йил};$$

$$D_{\text{SO}_4} = 60 + 60 \times (25 - 5,8) : 25 = 106 \text{ йил}.$$

Диссертациянинг “**Био деворларини намликдан сақлашнинг натуравий тажриба-тадқиқотлари**” деб номланган учинчи бобида тажриба-тадқиқотларининг вазифалари, ўтказиш услуги, таркиби, натижалари ва таҳлили ёритилган. Натуравий тажриба-синовлари жами 9 та тажриба схемаларида икки ҳолатда олиб борилди:

- пойдевор товони грунт намлигидан химоя қилинмаган ҳолатда;

- пойдевор товони грунт намлигидан химоя қилинган ҳолатда, пойдевор-девор ўртасида турли қатламли горизонтал гидроизоляциялар ҳосил қилиниб, пойдевор устки қисмида барпо этилган деворларда намликнинг капилляр кўтарилиш баландлиги ҳамда ўзгариши вақт мобайнида кузатилди.

Барча тажрибаларда сувнинг агрессив таркиби турлича этиб таъминланиб, унинг баландлиги пойдевор товони сатҳидан бир хил қилиб ушлаб турилди. Шунингдек, намуналарда вертикал гидроизоляция сифатида рулонли “HYDROSTOP” материалдан фойдаланилди.

Горизонтал гидроизоляция сифатида I- ва II-намуналарда цемент бириктирувчи, фракцияланган кум, минерал тўлдирувчилар, модификацияланган полимер қўшимчалар ва гидрофоб хусусиятга эга қўшимчалардан ташкил топган “HYDROSTOP” дан цемент қоришмасидан фойдаланилди.

III- ва VIII-намуналарда 1:2 нисбатдаги 2-3 см ли қоришма қатламга MasterPel-793 суюқлик шаклидаги гидрофоб қўшимчадан фойдаланилди.

“HYDROSTOP” цемент қоришмаси ва MasterPel-793 суюқлик шаклидаги гидрофоб қўшимчасидан фойдаланиш бўйича маълумотлар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

| № | Маҳсулот номи   | Ишлаб чиқарувчи                                     | Ўзбекистондаги расмий диллер       | Қўлланлиши  | Нархи (2021 йил август ҳолатига) |
|---|---|---|------------------------------------|---|----------------------------------|
| 1 | <b>HYDROSTOP</b><br>Цементная гидроизоляция обмазочного типа,<br>ГОСТ 31357 | ООО «Бергауф Строительные Технологии»<br>Россия     | ООО «MIR IZOLYATSONNIX MATERIALOV» | Қатламнинг тавсия этилган қалинлиги 1-5 мм            | 110000/20 кг                     |
| 2 | <b>MasterPel-793</b><br>Суюқлик шаклидаги гидрофоб қўшимча                  | «БалтМонолитСтрой»<br>г. Санкт-Петербург,<br>Россия | ООО «USTAMASTER»                   | Тавсия этилган доза цементнинг 0,5-2% ни ташкил этади | 27000/литр                       |

IV-, V- ва VI-намуналарда горизонтал гидроизоляция сифатида, 2 см қалинликдаги Ғозғон мармар плиткалардан фойдаланилди.

VII-намунада пойдевор-девор сатҳи туташмасида пойдевор устидан унинг ўлчамига мос, махсус темирбетон қолип ясалди ва унинг ичи қайроқтошлар билан тўлдирилди. Қайроқтошларнинг устидан махсус ясалган темирбетон плита ўрнатилди. Ушбу темирбетон қолип ва плита орасида 1 см ли ҳаво бўшлиғи ҳосил қилинди.

IX-намунада пойдевор-девор сатҳи туташмасида қалинлиги 3 см, 1:2 нисбатли цемент-кум (цемент М400) қоришмасидан горизонтал гидроизоляция сифатида қўлланилди (2-расм).




2-расм. Намуналарда қўлланилган материаллар ва жараёндан лавҳалар


III-намунада пойдеворнинг вертикал 4 та томони 1 қатламли, қиздириб ёпиштириладиган ўрама гидроизол ашёси билан қопланди. Пойдевор-девор сатҳи туташмасида MasterPel-793 гидрофоб қўшимчаси қўшилган, 2 см қалинликдаги цемент-қум қоришмаси ётқизилиб, пойдевор товони гидроизоляция қилинмади (3-расм).



а)



б)




в)

3-расм. Пойдевор товонида горизонтал гидроизоляция тўшама ётқизилмаган ҳол: а) тажрибадаги ҳолат, б) кўндаланг қирқим, в) бўйлама қирқим. 1-ғишт терма девор; 2-цемент-қумли қоришма; 3-MasterPel-793 гидрофоб қўшимчаси қўшилган қалинлиги 2 см цемент-қум горизонтал гидроизоляция; 4-монолит пойдевор; 5-қиздириб ёпиштириладиган гидро-изол; 6-қалинлиги 3 мм ли пўлат листли темир кути; 7-агрессив бўлмаган сув; 8-қалинлиги 3 см ли йирик қум.


Бунда, 1-нуқта, пойдеворнинг вертикал сиртига қиздириб ёпиштирилган гидроизоляция қопламанинг тепа қисмидан, яъни, пойдевор товонидан 40 см баландликдаги қийматлар, 2-нуқта эса пойдевор-девор туташмасида барпо этилган горизонтал гидроизоляция тўшамасининг остки қисмидан олинган қийматлар, 3-нуқта пойдевор устидаги горизонтал гидроизоляция тўшаманинг устидан, яъни, биринчи қатор ғиштнинг қоришма қатламидан, 4-нуқта намликнинг кўтарилиш баландлигини аниқлаш мақсадида 8-қаторда терилган ғиштнинг қоришма қатламидан, 5-6-нуқталар эса пойдевор устидан барпо этилган деворнинг пастки қисмида жойлашган 1- ва 8-қатордаги ғиштлардан олинган қийматлардир.

Ўтказилган тажриба-тадқиқотларнинг натижалари, намуналар бўйича 2-жадвал ва график (4-расм)да келтирилган.

2-жадвал

| Тажриба схемаси №3  | Вақт                                     | Капилляр намликнинг вақт мобайнида ўзгариши, % |         |         |         |         |         |
|---|--|--|---------|---------|---------|---------|---------|
|   |  | Пойдевор                                       |         | Қоришма |         | Ғишт    |         |
|   |  | 1-нуқта  | 2-нуқта | 3-нуқта | 4-нуқта | 5-нуқта | 6-нуқта |
|  | Намунанинг табиий намлиги 20.04.2021 йил | 0,90   | 0,90    | 1,30    | 1,30    | 0,80    | 0,80    |
|   | 07.05.2021 й                             | 3,40   | 3,40    | 1,70    | 1,50    | 0,70    | 0,70    |
|   | 18.05.2021 й                             | 2,70   | 1,90    | 0,90    | 1,00    | 0,90    | 0,80    |
|   | 31.05.2021 й                             | 1,90   | 0,90    | 0,80    | 0,80    | 0,20    | 0,20    |
|   | 10.06.2021 й                             | 2,20   | 3,40    | 0,90    | 0,90    | 0,80    | 0,80    |
|   | 20.06.2021 й                             | 3,70   | 1,90    | 0,90    | 0,90    | 0,80    | 0,80    |
|   | 30.06.2021 й                             | 1,80   | 0,90    | 0,90    | 0,70    | 0,20    | 0,20    |
|   | 10.07.2021 й                             | 2,10   | 0,90    | 0,90    | 0,70    | 0,20    | 0,20    |
|   | 20.07.2021 й                             | 3,70   | 1,80    | 1,00    | 0,90    | 0,20    | 0,20    |
|   | 30.07.2021 й                             | 2,70   | 2,90    | 1,00    | 0,90    | 0,20    | 0,20    |
|   | 10.08.2021 й                             | 5,50   | 4,50    | 0,80    | 0,80    | 0,20    | 0,20    |
|   | 20.08.2021 й                             | 6,00   | 5,00    | 1,00    | 0,90    | 0,20    | 0,20    |
|   | 30.08.2021 й                             | 6,30   | 5,30    | 1,00    | 1,00    | 0,20    | 0,20    |
|   | 09.09.2021 й                             | 9,00   | 9,00    | 1,00    | 1,00    | 0,20    | 0,20    |
|   | 22.09.2021 й                             | 22,40  | 12,00   | 0,90    | 0,90    | 0,20    | 0,20    |
|   | 02.10.2021 й                             | 23,90  | 13,10   | 0,90    | 0,90    | 0,20    | 0,20    |
|   | 12.10.2021 й                             | 25,10  | 14,30   | 0,90    | 0,90    | 0,20    | 0,20    |
|   | 22.10.2021 й                             | 25,90  | 15,10   | 0,90    | 0,90    | 0,20    | 0,20    |
|   | 02.11.2021 й                             | 27,10  | 17,30   | 0,90    | 0,90    | 0,20    | 0,20    |
|   | 12.11.2021 й                             | 28,40  | 18,60   | 0,90    | 0,90    | 0,20    | 0,20    |
| 23.11.2021 й  | 29,00                                    | 19,20  | 0,90    | 0,90    | 0,20    | 0,20    |         |
| 03.12.2021 й  | 29,90                                    | 19,90  | 0,90    | 0,90    | 0,20    | 0,20    |         |
| 23.12.2021 й  | 30,40                                    | 20,40  | 0,90    | 0,90    | 0,20    | 0,20    |         |







4-расм. Кузатувлар натижаси бўйича 3-намунада намликнинг ўзгариш графиги

Олиб борилган кетма-кет тажриба-тадқиқотлар натижалари таҳлили асосида қуйидагиларини олишимиз мумкинлиги илмий жиҳатдан ўрганилди.


1) I- намунада намлик 27.04.2021 йилда  $W_m=0,9\%$  дан 23.12.2021 йилда  $W_m=28,6\%$  гача кескин ошиши, девор намлиги эса 27.04.2021 йилда  $W_m=0,8\%$  дан 23.12.2021 йилда  $W_m=0,2\%$  гача пасайиши.




2) II-намуна остига қуйилган сувга ишқор ( $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ) кимёвий бирикмаси қўшилиб, агрессив муҳит ҳосил қилинганда ҳам пойдевор намлиги 27.04.2021 йилда  $W_m=0,9\%$  дан 23.12.2021 йилда  $W_m=0,8\%$  гача ўзгармаганлиги аниқланди.




3) III-намунада намлик 27.04.2021 йилда  $W_m=0,9\%$  дан 23.12.2021 йилда  $W_m=30,4\%$  гача кескин ошди. Лекин, қўлланилган горизонтал гидроизоляция туфайли, девор намлиги 27.04.2021 йилда  $W_m=0,8\%$  дан 23.12.2021 йилда  $W_m=0,2\%$  гача пасайди.




4) IV-намуна остига қуйилган сувга туз (NaCl) кимёвий бирикмаси қўшилиб, агрессив муҳит ҳосил қилинган бўлсада, пойдевор намлиги 27.04.2021 йилда  $W_m=0,9\%$  дан 23.12.2021 йилда  $W_m=0,8\%$  гача ўзгармади.




5) V-намунада намлик 27.04.2021 йилда  $W_m=0,9\%$  дан 23.12.2021 йилда  $W_m=25,9\%$  гача кескин ошди.




б) VI-намуна остига қуйилган сувга сульфат ион ( $\text{SO}_4$ ) кимёвий бирикмаси қўшилганда, капиллярлик туфайли, пойдевор конструкциясининг коррозияланишига олиб келди. Қолаверса, пойдеворнинг намлиги 27.04.2021 йилда  $W_m=0,9\%$  дан 23.12.2021 йилда  $W_m=30,0\%$  гача кескин ошди. Бунга сабаб, гидроизоляция қилиш технологиясига амал қилинмаганлигидир.




7) VII-намунада намлик 14.07.2021 йилда  $W_m=0,9\%$  дан 23.12.2021 йилда  $W_m=9,7\%$  гача кескин ошиши аниқланди.



8) VIII-намуна остига қуйилган сувга сульфат ион ( $\text{SO}_4$ ) кимёвий бирикмаси қўшилиб, агрессив муҳит ҳосил қилинганда ҳам пойдевор намлиги 14.07.2021 йилда  $W_m=0,8\%$  дан 23.12.2021 йилда  $W_m=0,8\%$  гача ўзгармаслиги ўрганилди.



9) IX-намунада намлик 14.07.2021 йилда  $W_m=0,9\%$  дан 23.12.2021 йилда  $W_m=12,5\%$  гача кескин ортишига олиб келди.



III-намунада пойдевор-девор сатҳи туташмасида MasterPel-793 гидрофоб қўшимчаси қўшилган, 2 см қалинликдаги цемент-қум қоришмаси ётқизилган. Бунда, материал таркибидаги ғоваклик радиуси  $r$  ни ҳисоблашлар орқали, 0,00074 деб оламиз:

$$t = \frac{2H^2}{r \cdot m \cdot \cos \theta \cdot \mu^2} = \frac{2 \cdot 400}{0,00074 \cdot 0,0088 \cdot 1 \cdot (1004 \cdot 10^6)^2} = \frac{800}{6,564} = 121,8 \text{ йил}.$$

Натижадан кўринадики, MasterPel-793 гидрофоб қўшимчаси қўшилган, 2 см қалинликдаги цемент-қум қоришмасидан намликнинг ўтиш вақти 121,8 йилни ташкил этади. Шунингдек, тажриба давомида сувга қўйилган пойдеворда намлик 33 кун ичида горизонтал гидроизоляция қатламгача кўтарилиб борди. (1.5) ифода орқали намликнинг пойдевор орқали кўтарилишини назарий ҳисоблаганимизда:

$$t = \frac{2H^2}{r \cdot m \cdot \cos \theta \cdot \mu^2} = \frac{2 \cdot 0,36}{0,27 \cdot 0,0088 \cdot 1 \cdot (1004 \cdot 10^6)^2} = \frac{0,72}{0,02376} = 0,82 \text{ йил} = 30 \text{ кунни}$$

ташкил этиши аниқланди. Бунда тажрибалардан олинган қийматларнинг, назарий ҳисоблаб топилган қийматга мос эканлиги исботланган.

**“Биолар пойдевор ва деворларини намликдан сақлашнинг таклиф этилган усулини техник-иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини баҳолаш”** деб номланган тўртинчи бобида мавжуд усуллардан фойдаланиб барпо қилинган биоларнинг гидроизоляция қатламларини қайта тиклаш учун сарф-харажатлар миқдори, таклиф этилаётган усулларни амалиётда қўллашдан олиндиган самарадорликни баҳолаш ва ғишт девордаги намликнинг биолар энергия самарадорлигига таъсирини таҳлил қилиш масалалари кўриб чиқилган.

## ХУЛОСА

1. Биноларнинг пойдевор ва деворларини ер ости сувлари таъсиридан химоя қилишнинг мавжуд усуллари таҳлили натижасида, пойдевор ва деворларни капилляр намликдан химоялаш учун қўлланилаётган мавжуд усулларни такомиллаштириш лозимлиги ўтказилган тажрибалар асосида илмий исботини топди.

2. Бино пойдевор ва деворида ер ости намлигининг кўтарилишини тўхтатиш ҳамда бинонинг умрбоқийлигини таъминлаш учун пойдеворнинг товонини гидроизоляция қилиш таклиф этилди.

3. Пойдевор гидроизоляциясида ишлатиладиган рулонли гидроизоляция материалларнинг, грунт сувларининг агрессив таркибига боғлиқ ҳолда узоққа чидамлилигини ҳисоблаш услубиятини олишга эришилди.

4. Тадқиқотларда фойдаланилган рулонли “Техноэласт” маркали гидроизоляция материалининг шартли узоққа чидамлилиги унга таъсир этадиган агрессив сувларнинг таркибига боғлиқ ҳолда  $D_{Ca(OH)_2}=84$  йил;  $D_{NaCl}=94$  йил;  $D_{SO_4}=106$  йил эканлигининг ҳисобий аниқланди.

5. Горизонтал гидроизоляция сифатида ишлатилаётган 1:2 нисбатли цемент-кум қоришма қатламга MasterPel-793 юқори гидрофоб асосли қурилиш материалларини сув ўтказмаслик хусусиятини таъминловчи гидроизоляция қатламнинг янги таркиблари ишлаб чиқилди.

6. Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар асосида, биноларнинг пойдевор ва деворларини ер ости сувларининг агрессив таъсиридан ва ер усти сувларининг намлигидан самарали химоя қилишнинг қуйидаги самарали усуллари таклиф этилди:

- кам қаватли ертўласиз, ўрта қаватли ертўлали бинолар пойдеворининг вертикал томонлари товони билан биргаликда бир қатламли ёпиштириладиган рулонли гидроизоляция материали билан қоплаш, пойдевор-девор туташмасида горизонтал гидроизоляция сифатида 0,5 см HYDROSTOP цемент қопламали ёки MasterPel-793 гидрофоб қўшимчаси қўшилган, 2-3 см қалинликдаги 1:2 нисбатли цемент-кум қоришма қатлами ётқизиш;

- республикамизнинг мармар ашёси ва дарё қайроқтошлари маҳаллий бўлган туманларида барпо этилаётган кам қаватли биноларда пойдеворнинг вертикал томонлари товони билан биргаликда бир қатламли ёпиштириладиган рулонли гидроизоляция материали билан қоплаш ҳамда пойдевор-девор туташмасида 1:2 нисбатли цемент-кум қоришма қатлам устидан 2 см қалинликдаги мармар плиткаларини ётқизиш ёки махсус темирбетон қолип ясаиб, унинг ичи қайроқтошларга тўлдирилиб, устидан темирбетон плита ўрнатиш орқали ҳаво бўшлиғи ҳосил қилиш.

7. Таклиф этилаётган усулни амалиётга татбиқ этиш натижасида, Самарқанд вилоятида барпо этилган кам қаватли таъмирталаб турар-жой биноларининг гидроизоляция қатламларини қайта тиклаш учун сарфланадиган 69 млрд. 600 млн. сўм миқдорида маблағларнинг тежалишига имкон яратилди.

8. Кам қаватли биноларни гидроизоляция қилишда пойдевор вертикал томонлари товони билан биргаликда бир қатламли ёпиштириладиган рулонли гидроизоляция материали билан қопланиб, пойдевор-девор туташмасида MasterPel-793 гидрофоб қўшимчаси қўшилган 3 см қалинликдаги 1:2 нисбатли цемент-қум қоришма қатлами ётқизиш орқали, (гидроизоляция қатламни қайта тиклаш ва таъмирлаш ҳисобига) бино умумий нархининг 12 % миқдорида иқтисодий самарадорликка эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО-  
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АРХИТЕКТУРНО-  
СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

**ИНОЯТОВ ДИЛОВАР ТОЛИБОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ЗАЩИТЫ ОТ ВЛАГИ,  
ПРОХОДЯЩЕЙ ЧЕРЕЗ ЦОКОЛЬНУЮ ЧАСТЬ СТЕН  
ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНЫХ ЗДАНИЙ**

**05.09.01 – Строительные конструкции, здания и сооружения**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации на соискание ученой степени  
доктора философии по техническим наукам**

**Самарканд – 2022**

**Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/T1869.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский, (резюме)), расположен на веб-странице ([www.taqi.uz](http://www.taqi.uz)) и Ziyonet информации и образовательный портал, ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) Научного Совета.

**Руководитель:** **Тулаков Элмурад Саламович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные  
оппоненты:** **Файзиев Хомитхон**  
доктор технических наук, профессор

**Пирматов Рахматулло Хамидуллоевич**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** **“O`ZOG`IRSANOATLOYINA” AJ**

Защита диссертации состоится « 14 » июля 2022 г. в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.26/30.12.2019.T.11.01 при Ташкентском государственном архитектурно-строительном институте (Адрес: 100011, г. Ташкент, ул. Абдуллы Кадыри, дом-7В .Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, е-почта: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz), [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного архитектурно-строительного института (зарегистрированным за № 82 ). Адрес: 100084, ул. Малый Ring Street, 7. Тел: (+ 99871). 235-43-30, факс: (+ 99871) 234-15-11, электронная почта: [taqi\\_atm @ Edu.uz](mailto:taqi_atm @ Edu.uz). факс: (99871) 241-80-00, электронная почта: [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан « 28 » 06 2022 года.

(реестр протокола рассылки № 15 от « 25 » 03 2022 года).



**Х.А.Акрамов**

Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор

**А.Т.Хотамов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., доцент

**Б.А.Аскарлов**

Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По всему Миру особое внимание уделяется проблеме повышения эксплуатационной надежности и обеспечению жизнеспособности зданий. В настоящее время в районах, где уровень грунтовых вод ближе к поверхности земли, около 75% строительных объектов в развитых странах подвержены агрессивному воздействию окружающей среды. А в подземном строительстве этот показатель может доходить до 80-90%. В США, например, в 90-е годы на ремонт и реставрацию зданий было вложено более 20 миллиардов долларов, и эти затраты впоследствии росли с каждым годом. Особое внимание в связи с этим уделяется, в том числе, разработке оптимальных решений по гидроизоляции фундаментов зданий, надежной защите конструкций от воздействий подземных агрессивных вод, тем самым повышая жизнеспособность зданий, сооружений.

По всему Миру ведутся научные исследования, направленные на получение эффективных современных материалов с повышенными влагонепроницаемыми свойствами, применяемыми для защиты конструкций зданий от агрессивного воздействия грунтовых вод. Приоритетными в этом направлении являются и исследования по обеспечению качества гидроизоляционных работ, выполняемых при защите стен зданий от капиллярной влаги, поднимающейся через фундамент, и обеспечивающей эксплуатационной надежности зданий. С учетом выше сказанного защита стен зданий от воздействия агрессивной капиллярной влаги, поднимающейся через фундамент, считается актуальной проблемой.

Материалы, используемые для гидроизоляции стен и способы их осуществления в строительной отрасли страны, не вполне отвечают современным требованиям. Поэтому в Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы поставлены важные задачи, в том числе по «...предотвращению недостатков (дефектов) или проблем в строительной деятельности, повышению качества строительных и проектных работ<sup>1</sup>». Для решения этих задач очень важное значение приобретает разработка эффективных методов защиты зданий от действия грунтовых вод, обеспечивающих долговечность зданий при проектировании и строительстве.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит осуществлению задач, указанных в Постановлении Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года “О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы”, №УП-5963 от 13 марта 2020 года “О дополнительных мерах по углублению реформ в строительной сфере Республики Узбекистан”, №ПП-139 от 21 февраля 2022 года “О дополнительных мерах по поддержке строительства жилья и промышленности строительных материалов”, №ПП-3379 от 8 ноября 2017 года “О мерах по обеспечению рационального использования

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

энергоресурсов” и других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетам развития науки и техники республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** В настоящее время защита кирпичных зданий от воздействия капиллярной влаги, поднимающейся из-под земли, осуществляется простым способом. Гидроизоляция между фундаментом и кирпичной стеной осуществляется цементно-песчаным раствором толщиной 30 мм. Такой способ гидроизоляции стен, рекомендуемый в нормах проектирования, не в полной мере обеспечивает непроницаемость капиллярной влаги цементно-песчаным раствором. Поэтому для создания новых гидроизолирующих материалов по защите стен зданий от капиллярной влаги были направлены исследования зарубежных и отечественных исследователей.

Исследованию процесса подъема влаги в капиллярно-пористых материалах и защите стен зданий от этой влаги посвящены работы зарубежных и отечественных исследователей: Ning Lu, William J.Likos (АҚШ), Noriyuki Yasufuku (Япония), Qiang Liu, Jiali Miao, Jiaguo Ren, Chao Chjan (Китай), Ravi Kumar Malik, Sivanappan Kumar (Индия), а также наших учёных, таких как Агаджанов В.И., Бовин Г.П., Глебова В.Д., Дубинина И.С., Искрин В.С., Кисина А.М., Нечаев Г.А., Попченко С.Н., Рыбев И.А., Абдуллаев Т. Ш., Сирожиддинов З.С., Мадатов А. и других.

Несмотря на обширные исследования, проведенные как за рубежом так и в республике на сегодняшний день, как в теоретическом, так и в практическом плане проблема надежной защиты надземных - из кирпича, а подземных конструкций из бетона и железобетона от разрушающего воздействия агрессивных вод до сих пор не решена должной мере. Кроме того, специалистами отмечается, что известные способы гидроизоляции наружных стен не в полной мере удовлетворяют предъявляемым в настоящее время требованиям, и необходимо совершенствовать известные методы защиты строительных конструкций от влаги. На сегодняшний день эти и другие аспекты проблемы являются актуальными и требуют детального изучения.

В выше приведенных исследованиях подъем влаги через капилляры не рассматривался как сложный физико-химический процесс, зависящий от ряда факторов.

**Связь диссертационного исследования с исследовательскими планами вуза, в котором выполнена диссертация.** Диссертационное исследование, выполненное в рамках научно-исследовательской работы по теме «Обеспечение эксплуатационной надежности зданий с учетом условий Узбекистана» (2018-2022 гг.), утвержденной Советом Самаркандского государственного архитектурно-строительного института.

**Целью исследования** является обеспечение долговечности зданий за счет совершенствования способов защиты фундаментов и стен зданий из обожженного кирпича от капиллярной влаги, поднимающейся из-под земли.

**Задачи исследования:**

теоретически исследовать подъем капиллярной влаги по фундаментам и стенам;

изучить состояние стен зданий, не защищенных от влаги, поднимающейся из-под земли;

изучить состояние зданий, стены которых защищены от влаги, поднимающейся из-под земли, при помощи традиционных способов;

экспериментально изучить сопротивление гидроизоляционных слоев, выполненных из различных материалов между фундаментом и стеной, проникновению влаги внутрь стены;

